

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЛ ЧИКИШИ

№ 46 (3784).

6
МАРТ
ЧОРШАНБА
1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БУТУН КУЧИМИЗ, ТАЛАНТИМИЗНИ КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАШГА САРФЛАЙМИЗ

Клуб, кутубхона, музей, кинотеатр ва бошқа маданий оқартув муассасалари ходимлари, адиблари, бастакорлари, рассомлари, артистлари, журналистлари ҳақли равишда идеология ишпани миришкорлари деб атайдилар. Ана шу миришкорларнинг намоёндалари 5 март кунин Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрига маданий ходимларнинг республика кенгашига тўғрисида, маданий қурилиш ва меҳнаткашларнинг коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида партия XXIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XVII съезди, шунингдек Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленумлари ўртага қўйган вакилларнинг қандай қилиб яхшироқ бажариш қўлларини атрофда муҳокама қилдилар. Республика министри ва Ўзбекистон танкидларининг бошқа раҳбар ходимлари, област, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимининг мудирлари, област, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг маданий масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, област, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, касба-соҳа союз ходимлари ҳам маданий арбоблари билан бирга кенгашда қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзосига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қисқача нутқ сўзлаб кенгашни очди.

Маданият ходимларининг кенгаши, деди у, республика илтимойи ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир. Бу кенгаш совет кишилари ўзлар Оқтибдир эллик йиллигини таънавали ишполаган беш йиллик пилани муддатидан олдин бажариш учун, ўзлар саяла Владимир Ильич Ленин тугилган кунининг юз йиллигини муносиб кутуб олшп учун зўр икдодий ғайрат

билан курашаётган бир пайтда ўтказилмоқда. Маданият ходимлари бутун халқимиз билан бирга коммунистик қурилиш вакифаларини ҳал этишда актив қатнашмоқдалар. Улар революционер, меҳнатчи, курашчи, коммунизмининг юксак идеалларига текис садоқатли бўлган совет кишинини тарбиялаб юлга етказишда партияга қўмақлашмоқдалар.

Ўтган эллик йил мобайнида кўп миллатли совет маданияти катта ва шонли йўл босиб ўтди. Мамлакатимиздаги улғувор ижтимоий-иқтисодий ва сийёсий ўзгаришлар негизда бебаҳо маънавий бойликлар яратилди, фан, маданият ва санъатини ривожлантириш шидда улкан муваффақиятларга эришилди, эндиликда бу муваффақиятлар бутун дунёни қўйил қолдирмоқда. Барча қардош республикалар билан бир қаторда Совет Ўзбекистони ҳам маданий қурилишда катта, чинакам тарихий муваффақиятларга эришди. Совет Ўзбекистони Батан ва жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб ҳисса қўшиб келди ва ҳозир ҳам қўшмоқда.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сийёсати амалга оширилганлиги тўғрисида, мамлакатда ҳақиқий маданий революция рўй берди. Халқ маорифи, фан, адабиёт ва санъатини ривожлантиришда мислсиз ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистонда жуда кўп бўлган халқ талантлари ўсиб камол топди.

Республиканиннг юбилей йиллигида маданий ҳаёти айниқса мазмундор ва кўп қирралидир. Адабиёт ва санъатнинг социалистик даврининг улғуворлигини, янги жамият ижодкори бўлган совет кишини турмуш ва фидокорона меҳнатини ҳаққоний акс эттирувчи янги саломдор асарлар яратилди. Барча маданий муассасалари ўз ишларини бекиб юксак даражага кўтардилар. Республикада маданият фронти ходимла-

рининг ўз халқига садоқат билан хизмат қилаётган, омманинг онига партияимиз юзларини, социалистик маданиятнинг бутун бойлигини сингдираётган кўп миш кишилик армияси ўсиб бораётганлиги бизнинг ўзлар ғалабамиз, ифтихоримиздир.

Маданият ходимлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан халқ оммасининг зўр ҳурмати ва муҳаббатига сазовордилар. Ш. Р. Рашидов республика Олий Совети Президиумининг Фармониға биноан маданият муассасалари ходимларидан яна икки юз олти кишига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берилганлигини маълум қилди. Кенгаш ахли бу хушхабарни давомли қарсаклар билан кутиб олади.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан мукофотланган кишиларнинг ҳаммасини қизғин ва самимий табриклайди, уларга янгидаги янги икдодий муваффақиятлар тилайди.

Залда яна қарсаклар янгради—кенгаш ахли Совет Иттифоқи халқ артисти С. Эшотураеваниннг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг кенгашиинг фахрий президиумига сайлаш тўғрисидаги таклифини яқдиллик билан маъқуллаб кутиб оладилар.

«Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда республика маданият муассасаларининг ролини ошириш тўғрисида» доклад қилиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишоновга сўз берилади.

Докладда илгари сурилган масалаларни муҳокама қилишда республика маданият министри В. Н. Зоҳидов, Тошкент област партия комитетининг секретари Х. Р. Мусаканова, Андижон област кутубхонасининг директори В. А. Зорина, республика қурилиш

министри С. И. Иброҳимов, Гулистон шаҳар ижроия комитетининг раиси И. У. Қўчқоров, шонра Э. Охунова, Чирчиқдаги химиклар маданият саройининг директори А. П. Нестеренко, республика Министрлар Совети кинематография Давлат Комитетининг раиси А. П. Қаюмов, Хўжайли райониди В. И. Ленин номидаги кўпқўшниқ мудир К. Жаратов, республика қишлоқ қурилиш министри Х. Носиров, Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи Р. Алимов, Бухоро област партия комитетининг маданият бошқармасининг бошлиғи А. А. Музаффаров, Ўзбекистон касба-союзлари республика Совети маданият бўлимининг мудир С. К. Қосимхўжаев, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг секретари Р. Алимов, КПСС Марказий Комитети маданият-оқартув муассасалари секторининг мудир В. Г. Сиёницин, Самарқанд област кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи З. Ҳасанов қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари республиканиннг барча маданият ходимларига мурожаат қабул қилдилар.

Кенгаш шидда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари И. Г. Алисимкин, Н. М. Матчонов, Э. С. Насриддинова, С. Р. Расулов, М. Турсунов иштирок этдилар.

Шу кунин А. Навоий номидаги театрда маданият ходимларининг катта бир гуруҳининг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берилганлиги тўғрисидаги эриқлар топишрилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Саҳибов мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Э. С. Насриддинова шу эриқларни топириб, мукофотланганларни ситқидилан табриклайди, уларга сийхат-саломатлик, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда янги муваффақиятлар тилади. Мукофотланганлар маданият фронти ходимларига кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун, уларнинг меҳнатига беришган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдирдилар. (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА



ХАМИДАНИ Тошкентдаги 2-тўқимачилик фабрикасида чепарларнинг чепари дейишди. Бу бекиз эмас. У тежкорликка эришиб, беш йиллик топириқини уч ярим йилда адо этишга интилмоқда. Суратда: Х. Бобобекова.



КОММУНИСТИК меҳнат зарбдори ўртоқ М. Хайдаров «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг пешкади слесаридир. У шу куларда топириқини мунтазам бир ярим ҳиссадан ошириб адо этимоқда. М. Нурдидинов фотолари.

Коммунистик ва ишчи партия вакилларининг Будапештдаги маслаҳат учрашуви

БУДАПЕШТ. 4 март (ТАСС). Маслаҳат учрашувининг бешинчи ва олтинчи кундаги иши тўғрисида қуйидаги ахборот эълон қилинди.

Коммунистик ва ишчи партияларининг маслаҳат учрашувида 1 март кечки мажлисида Сальвадор Коммунистик партияси ижроия комитетининг секретари Антонио Пенедра, Живан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Никола Шауи, Гаити халқ бирлашган партияси Марказий Комитетининг вакили сўзга чиқдилар.

Маслаҳат учрашуви иккинчи марта шанба кунин ўз ишини давом эттирди. Кенгашда Жанубий Африка Коммунистик партиясининг вакили, Доминикан Коммунистик партияси ва Сийёсий бюросининг аъзоси, Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Элиас Мунос сўзга чиқдилар.

Уруштой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Сийёсий бюро аъзоси Альберто Суарес, Италия Коммунистик партияси, Сийёсий бюро ва раҳбарлиги аъзоси Эрико Берлингар, Греция Коммунистик партия Марказий Комитетининг Биринчи сек-

ретари Костас Колянинос, Гватемала меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси Хулио Лопес, Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Золтан Комочин, Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари Уильям Каштан, Дания Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Иб Нерлунд, Жазор коммунистларнинг вакили Ларон Вухали, Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитети президиум аъзоси Марказий Комитет секретари Мануэль Террасас, Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Фернандо Надрас сўзга чиқдилар. Сўнгра Судан, Швейцария ва Мартиника қардош партия вакиллари сўзга чиқдилар.

БУДАПЕШТ. 4 март (ТАСС). Коммунистик ва ишчи партия вакилларининг маслаҳат учрашуви бир кунлик дам олишдан сўнг бугун Будапештда ўз ишини давом эттирди. Бу ҳанда МТИ агентлиги хабар беради.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XIV СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

СССР касба-союзларининг XIV съезди 4 мартда Кремлда ўз ишини тамомлади.

Кундузги мажлисда саноқ комиссиясининг раиси Г. А. Макеев яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. Бутуниттифоқ касба-союзлари Марказий Советининг янги составига 304 аъзо ва 105 кандидат сайланди. Марказий Ревизия комиссияси составига 55 киши сайланди.

Кечқурун якунловчи мажлис бўлди. А. П. Кирленко, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, М. С. Соломенцев ўртоқлар залда пайдо бўлганларда делегатлар ва меҳмонлар уларни гулдурдор қарсаклар билан кутиб олдилар.

Съезд Бутуниттифоқ касба-союзлари Марказий Советининг ҳисобот доклады юзасидан яқдиллик билан резолюция қабул қилди. Сўнгра делегатлар СССР касба-союзлари уставига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Касба-союзларининг XIV съезди номидан КПСС Марказий Комитетига табриқнома юбориш тўғрисидаги таклифини съезд ахли гулдурдор қарсаклар билан кутиб олди.

СССР касба-союзларининг XIV съезди дейилди таъриқномада. 88 миллион касба-соҳа аъзолари ва мамлакатимизнинг барча

меҳнаткашлари номидан жонажон Коммунистик партияға ва унинг жанговар штаби бўлган ленинчи Марказий Комитетига отагани, самимий салом йўлладилар.

Съезд делегатлари, Касба-союзларининг барча аъзолари КПСС Марказий Комитетининг СССР касба-союзларининг XIV съездида йўллаган табриқномасини зўр хурсандчилик ва ватанпарварлик ҳис-ҳўшларига тўлган ҳолда кутиб олдилар. Совет касба-союзлари тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиб, уни доно қўллаб-қувватлаётганлиги, уларнинг революцион, жанговар ва меҳнат соҳасидаги хизматларини эътироф этиб, фаолиятига юксак баҳо беришга ушун съезд қахрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари номидан Коммунистик партияға чуқур миннатдорчилик ихор этди.

Касба-союзларининг XIV съезди КПСС ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, Совет касба-союзлари ўз аъзоларига партия ҳокимияти вакифаларини шараф билан бажардилар. Таъкидлик қилувчи А. Н. Шелепин касба-союзларининг XIV съездини ёпиқ ҳам эълон қилди. А. Н. Шелепин съезд қатнашчиларига улғур Совет Ватанимизнинг бахт-саодати йўлидаги ишларида янги муваффақиятлар тилади.

Кремлдаги съездлар саройида партия, гимни «Интернационал» таитанавор янгради. (ТАСС).

Пленум А. Н. Шелепинини ВЦСПС раиси қилиб сайлади: В. Ф. Богатиков, И. М. Владимиренко, Т. Н. Николаева, П. Т. Поменов, В. И. Прохоров, Н. Н. Романов, С. А. Шаляев ВЦСПСнинг секретарлари қилиб сайландилар. В. Г. Архипов, В. А. Блюм, Б. С. Егоров, М. А. Зондов,

Ш. Д. Кириладзе, В. К. Клименко, И. И. Козлов, М. А. Колбаскина, В. И. Крестянинов, И. Н. Макаров, Г. А. Макеев, Н. А. Недосекина, Б. Н. Пастухов, Л. И. Погребной, В. А. Попов, В. Г. Салужанов, А. М. Субботин, Е. Т. Чередиенко, И. Ф. Шкуратов президиум аъзолари қилиб сайландилар.

Касба-союзларининг XIV съезди сайлаган Марказий Ревизия комиссиясининг мажлиси ҳам бўлди. И. А. Новиков Марказий Ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди. (ТАСС).



ТУҚИМАЧИЛАР маданият саройи Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимларининг ҳордиқ чикариш масканига айланган. Маданият саройида уялаб тутараклар ишлаб турибди. Шанба ва якшанба кунлари сарой заллари тўқимачилар билан тарбиялашда актив қатнашганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Маданият муассасаларидаги кўп йиллик ва самарали ишлари ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг

Фармонига биноан Ўзбекистон ССРдаги маданият муассасалари ходимларининг катта бир гуруҳининг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берилади.

ЭКИШ ҚИЗГИН

Юқори Чирчиқ районининг қир ва ялловларда баҳорги экиш ишлари бошланиб кетди. «Гулистон» колхозининг аъзолари кўлағи экиш кампаниясини қўчайтириб юбордилар. Колхознинг барча ғазлачиллик бригадаларида баҳорги арпа экиш қизгин бормоқда. Бир неча кун ичида М. Саидов, З. Қурбонов бошлиқ юқори ҳосилли ғазлачиллик бригадалари салкам 200 гектарга яқин ерга арпа экиб қўйишди.

Хўжаликда беда экиш ҳам қизгин кетяпти. Бу шидда 12 та трактор, 8 та селлақдан самарали фойдаланилмоқда. Меҳнаткорлар ҳар бир агрегатининг иш умумдорлигини оширишга асосий эътиборни қаратишмоқдалар.

ҚИШЛОҚ РЕМОНТЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

4 мартда Тошкентда «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда бир қанча министрликлар ва идоралар, қишлоқ хўжалик машинасозлиги қорхоналари ва конструкторлик бюроларининг вакиллари, олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ташкилотларининг ходимлари қатнашдилар.

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси И. В. Бабаков 1967 йилда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари ҳамда беш йилликнинг учинчи йилдаги вакифалар тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов ва Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Давиденко нутқ сўзладилар.

Йиғилиш қатнашчилари «Узсельхозтехника» бирлашмаси ходимларининг 1968 йилги социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Бўха райолидаги 2-«Покент» совхоз 4-бўлимининг Нурмамат Абдиев бошлиқ участкаси пахтакорлари шу кунларда қўлағи экишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Маҳаллий ўғит ерга дармон эканлигини яқини билган азаматлар далага гўнг ташлаш ишларини қуядан-қуяга қизитиб юбормоқдалар. Ҳозиргача 250

УЧ ЮЛДУЗ

Хар тонг таниш кўча бўйлаб ишга ошиқаркан, бригадирнинг қалбини илик ҳис камраб олади.

Азим Тошкент жамоли тўлини ойдаи очилиб борапти. Янги қад қўраётган мушталам биноларга бригадаси аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани кувонтиради уни. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Биносини пардозлаш ишларида бригада ахли озмунча ғайрат-шижоат кўрсатди! Қизил майдонда сазобат билан кўкча бўйи чўзи турган Министрлар Совети Биносини қўлдан чиқаришда ҳам улар тиним билмай ишлашди.

Уш кунлари пардозловчилар топириқини 2,5 ҳатто 3 ҳисса ошириб адо этишганди...

У ширин халлар билан Луна-чарсково шосседа барпо этилаётган мушталам «Интурист» Биносини олдиға етиб келганларини ҳам сезмай қолди. Азаматлар аллақачон иш бошлаб юборишди.

У хар бир қурувчининг ишига сиёсатдан мазмун бўлиб жимларча эди.

Хўш, Георгис, пардозни жойига келтирилганлиги!—ҳа, зиломуз ғал отай у мохир пардозчи Г. Иккоста.

Келтирганда қандай Пардозимизни кўринг-у, баҳо беревчимиз.

Бу ерда меҳнат қилётган пардозловчиларнинг ҳаммаси

Никус Таалоридисининг синовидадан ўтган. Улар чирой бахш этган қайси объектини олманг, сифатлиги ва жозибдорлиги билан кўзни қувонтиради.

А. Холмухамедов, И. Сафин, В. Пименов, Р. Савлова, Л. Сичова сингари ўнлаб кўли гул бинокорлар йил сайини бригада шухратиға-шухрат қўшмоқдалар.

Бригадир эндиғина объектни қўздан кечириб бўлган ҳам эдики, уни бошқармада ўйлашгандани айтишди. Одатда, у идораға жуда камдан-кам келар, зарур бир масала ёки йиғилиш чиқиб қолмаса, доимо қурилиш майдониде бўларди. Нега қачинишяпти экан-а! Ишининг боришидан унинг кўнгли тўш. Шу сабабли бу ҳақда ташвиш чекмасди.

Хонада 20-қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. Подпеленец бош ижнерер В. Табакаев ва бригада бошлиқлари Самин Сетторов, Петр Титовлар бор эди. Афтидан, уларнинг суҳбати тугалланга деб қолган эди, Никус Таалоридисини кўриб:

— Гап бундай, — деди Подпеленец салом-алиқдан сўнг, — беш йилликда қўзда тутилган объектларини барават битказиш ҳақида маслаҳатлашмоқчи эдик. Биринчи қаватда 11 миш квадрат метр турар-жой ва маданият-маиший объектларни қўздан чиқарсак.

— Жуда яхши фикр, — тапта қўшилди Таалоридис, — бизда ҳамма имкониятлар бор.

— Ҳа, сиз ўз аъзоларингизнинг ғайратига ишонсангиз, — деди ҳавас билан бош ижнерер Табакаев.

— Божка имкониятлар ҳам бор, — деди бошлиқ. — Бултур, эсингизда бор, суваш ва бўяш ишларининг 60 проценти меҳнаткорлар билан бажарилади. Шу ойдаёқ уни 70 проценти етказамиз. Аммо тежамкорликка эътиборни янада кучайтирсак.

— Бу соҳада аҳолимиз ёмон эмас, шекилли! — бригадир ижнерерға қараб қўйди.

— Тўғри, бултур 6 миш 420 сўм иқтисод қилдик. Бу кам, — бошлиқ стол устидаги алпақандай қорозни олди, — хомчўтға қўра йил бўйи 500 куб метр қум, 30 тонна цемент, 45 тонна ганч тежаб қолдиримиз мумкин. Шунда таннарни 2 процент қисқартишға эришамиз. — Подпеленец суҳбатни якунлади. — Бу ерга бошқармаимизнинг уч юлдузини тақдир этдик, — у бригада бошлиқларига қўлимсираб мазмун боқди, — сизларнинг бу соҳада ҳам намуна бўлишларингизға ишонамиз. Гап бундай: ўз имкониятларингизни яна бир ҳисоблаб кўрингиз. Шу асосда

— Скюдас, Е. Солотухини ва бошқаларининг бригадаларини

ҳам илгорликка қўтарамиз. — Орадан кўп ўтмай, бошқарма қурувчилар ўз зиммаларига янги мажбурият қабул қилишди. Улар дохилии В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олшп учун янги чан шижоат ва ташаббускорлик билан иш бошладилар. Таалоридис бригадаси муваффақиятларини айтди! Чераданцева 40 кватирални қўрмак турар-жой биносини ҳам яқин кунларда фойдаланишға топиришмади. Бу ахил коллектив ўз мусобақадолари Сетторов ва Титов бригадалари билан муваффақиятли беллашмоқда. Улар қўлдан чиққан объектлар фақат аёло ва ахши беҳоларға ўтказилмапти. Тошкент олий партия мактаби ётоқхонаси, Қўйбосиш район партия комитети Биноси, ТОМИ-даги янги корпус ва бошқа шиме бинолар шулар жумласидандир.

Озмикўпми ҳиссаси билан муносиб ёдгорлик қолдирётган бинокорлар хиймати бугун ўзгача. Бошқарма ташаббускорлари беш йилликнинг учинчи йилда белгиланган объектларни муддатдан илгари фойдаланишға топириш учун сидқидилдан курашишяпти. Азим Тошкент жамолини янада ошидеҳ шафрелиишга муносиб ҳисса қўйишяпти.

Х. ИКРОМОВ.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ ДАЛАГА

дан пландида 20 ўрнига 25 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар.

Участка иштиридаги мавжуд қишлоқ хўжалик техникаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Участкада суғориш тармоқларини тартибга солиш уюшқоқли билан ўтмоқда.

Э. УСМОНОВ.

Республика маданият ходимлари кенгашида Ўзбекистон КП Марказий
Комитетининг секретари ўртоқ Р. Н. НИШОНОВ доклади

...з ҳиссаларини қўшадилар, де
қатъий ишонч билдиришга ижоза
этгайсиз. (Қарсақлар).

8-МАРТ—ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА

Қизлар гулдаси

УЛУГЛАЙМИЗ ҚУЁШНИ

Улуғлаймиз қуёшни чунон,
Нурларининг мафтун бўлиб,
Кулишдан кўнглимиз тўлиб,
Улуғлаймиз қуёшни чунон,
Минг бир ном-ла суямиз уни,
Меҳрибон-у дилқас биз учун,
Саҳийликда айкаш биз учун.

Минг бир ном-ла суямиз уни,
Қуёш боқиб узоқ-узоқдан,
Чертасин дил торимизни,
Меҳри билан баҳоримизни
Топганимиз шу она
тупроқдан,
Гулчехра НУРИЛЛАЕВА.

ДУРДОНАМАН

Толаман, зар толаман,
Эл ишқиде ёнаман,
Инсон қўлида унган
Бебаҳо дурдонаман.
Қуёш-ёр жамолимга,
Сув-қон берар жонимга,
Отига қамчи уриб
Қизлар шошар ёнимга.
Атрофим олтин қони,
Пахтазор, оппоқ далам,
Баҳор келса йўлимга

Тўшар бахмалдан гилам,
Кўккача етгай бўйим,
Шодликка тўла уйим,
Дўстлар, келинг албатта
Қуз фасли бўлар тўйим.
Толаман, зар толаман,
Эл ишқиде ёнаман,
Инсон қўлида унган
Бахт тўла пайламан.

НИЛУФАР.

ТҮРТЛИКЛАР

Бу мурғак дилимда орзум
хуқирон,
Шунчалар тотлики чегараси
йўқ.
Орзум сен қанотим, парвозим
аён.

Чунки мениксан бундан
кўнглим тўқ.
Юзинг ёнар гулга муносиб,
Кулиб кириб китоб сурадинг.
Олиб чиқдинг кўксинга босиб,
Қуз олдимда қолди суратинг.

Ватаним онага этишар қисс,
Онадек улуг зот борми дунёда,
Она олдида, Ватан кўксиде,
Инсон бахтин топар, меҳри
анида.

Рисолат АСИЛБЕКОВА.

СЕНИНГ ХАЁЛИНГ

Қўларимда сенинг хаёлинг
Яшириниш беса, бесўрон
Қўларимда сенинг хаё-
линг —
Лаҳза шодлик, лаҳзада фи-
роқ.
Қўларимда сенинг хаёлинг
Тонгга тўшдай ширин хоти-
рот.
Қўларимда сенинг хаё-
линг
Қорачўгдай яшар умрбод.

ШЕЪРИМГА

Шодлик бўл, бир нафас
қўйилган холи
Қўларимда тугил қалбим
измин.
Орау бўл, бахт ваъда
қилсин хаёлинг
Қўз ёш бўл, ювгали ўқинч
хиссини.
Кибру ҳаво бўлма, бўлмаган
мансаб,
Сохта толе бўлиб, бахш
эتما нибол.
Чироқ бўл, мен сени ҳеч
этмайин тарк,
Ўт итра қоврилган парвона
мисол.
Ойдин ҚОЖИЕВА.

ОНА МАДҲИЯСИ

«Иўқ бизга онадек меҳрибон,
Сийната қалқон, бosh узра
соябон».

Х. Х. НИЗНИИ.

Тонг палласи эди. Аста, пичир-
лаб айтаган ушбу икки мисра
байт оштилди, меҳрим товланиб
айтувчига бодим.

«Она энг мўтабар, энг азиз
зотдир! Такрорларди қизалоғим.

— Оналар, бугун мактабимизда
сизларга бағишланган «Она-
ларини улуғлаймиз» деган кеҳамиз
бор, сизни ҳам тақдир этганимиз,
борасиз-а! Мен ҳам шеър ўқий-
ман, шунинг такрорлашман.

Шу сўзларни айтиш-ю, яна қан-
ча мадҳияларни такрор такрор
қилиб, бунинг Шохиде, бунинг Шах-
ида, деб севинибдан тўлиб-то-
шиб гапирарди.

Кечанинг бошланғичига ҳади
вақт бор. Лекин қизим тушмағур
шошади. У кичкинагина қалбига
сизга кетаётган меҳр тўла мад-
ҳия оналарга айтгуси, мамнун
қилгуси келиб ошқиди.

Оқлон маҳалласида савлат тў-
киб турган тўрт қаватли бинога
яқинлашамиз. Бу шундай биноки,
унинг кенг бағри, қайноқ қу-
чига кўз қорачиларимиз — ўли-
қизларимиз йираб ўсади. Ўли-
қизларимиз йираб ўсади. Бу бинога
жуда кўп бор келганман. Гоҳ
ота-оналар йилишганига, гоҳ учра-
шувга, лекин бугунгичи ўзгача.

Ушунг оstonасида бўйлилариди
қилиққил талстуклар қилираб
турган бири-биридан кўнглик, би-
ри-биридан ширин, дўмбоқ ўли-
қизлар мўтабар оналарга ҳурмат
билан таъзим қилишар, кўкратин-
гизга қизил лентачадан бантик

тақиб қўйишарди. То залга кир-
ганимизча ҳам икки тарафинида
бахтиёр фарзандлар сизни эъзо-
лаб, безатилган тўкин дастурхон
атрофида тақдир этишарди.

Оналар саф-саф бўлиб келишар-
ди, улар орасида ўн ва ундан ор-
тиқ фарзанд кўрган қаҳрамон
оналар ҳам, донгдор ишчи аёл-
лар ҳам, олима ҳам, санъаткор ҳам,
саломатлик посбонлари ҳам,
қўйинчи, ҳар касбдан, ёши ҳам,
қарияси ҳам бор. Улар ўзларига
овино қўйиб ясанган.

Оналар мамнун, дилларда гу-
рур. Чехралари ёниб турган фар-
зандларга қараб, бир қувонсанг,
уларнинг одобини, ширин тиллари
билан айтаган табриқларини тинг-
лаб, яна дилинг яйради.

Энг жакки — биринчи синф
ўқувчилари ширин тиллари билан
оналарини табриқлагач, мак-
таб директори Басти Мираҳмедо-
ва кечани очди. Меҳмонларни
келасан баҳор байрами, гуллар
байрами, халқаро хотин-қизлар
куни — 8 Март байрами билан
табриқлайди. У сўзини яна ўқи-
чиларга беради. Микрофон олдида
ҳам, бир атрофда ҳам фарзанд-
лар чор атрофда, бири олиб, она-
лар қўлида айтаган, тўқилган
шеър ва мадҳияларни, жарангли
овозлари билан, ҳеч тугилмай, ма-
роқ билан ўқийди. Бахтиёр
қизларинида севинч ёшлари гилат
элади.

«Ҳамини битмас, туганмас
ҳаёт чашмаси онани шарафлай-
ми».

«Она тасвирини мадҳ этмоқ
учун уфқдай асар керак.
Уни ёзмоқ ушун, денгиз сувидай
сиза керак».

Тун тонгин қаршилар, мен эсам ҳамон
Хаёла оғушида... Ҳамон уйғоқман.
Ҳаёт китобига тикилади кўз.
Илм чашмасига мудом чанқоқман.
Излайман, денгиздан топа олсам тош,
Меҳнат билан дурга айланақолса,
Мисралар қуйилиб, мени қийнамай,

Жам бўлиб шеърга айланақолса.
Бу оташ борлигим банд этган буткул,
Шу оташ қамраган бутун онгимни.
Шеър учун бағишлар мен узун тунни
Уйғоқ қутиб олдим олтин тўнгимни.

Муҳаррам ХОЛМУҲАМЕДОВА.



НАВБАҲОР — НАҚАДАР СЎЛИМ ВА МАЪСУМ,
БАХШ ЭТАР ДИЛЛАРГА ШОДЛИК, ТАБАССУМ...

А. Тўраев фототўди.

Сураат

Уларни жўнаб кетишгандир.
Уқиб битди, ишга йўланма
олишди. Энди ётоқхонада на-
маём қилишарди? Келиб-келиб
ўқиб тутаган вақтда касал бў-
ламаним?

Қўларимга қалқиб чиққан
ёш юзларимни юва бошлади.
Шу пайт кимдир оҳиста пичи-
рлади:

— Йилламанг Нигора, толи-
қиб қоласиз.
Нихот самимий айтилган бу
ички оғиш сўз юрагимга илқ-
қилди урилди. Қўларимни олдим.
Бошимда боғли йилгит жилмайиб
турарди.

Шу кўйи бир ҳафта жойим-
да қимирламай ётдим. Исегим
ха деганда пасал қолмади. Ик-
ки марта қон қуйишди. Ўша
томиримни ушлаб ўтирган док-
тор йилгит қон бериди. Бунинг
эшитиб ҳайрон бўлдим. Негат
энди у қон беради?

Эртасига палатага киргани-
да, бириччи марта қўларига

тиқ қарадим. Қўларимиз уч-
рашди-ю, негидир юрагим шир
этиб кетди. Унинг қўзлари
жилмайиб турарди. Секингина
қўзларимни юмиб олдим. Док-
тор мени чарчади, деб ўйлади
шенлиди, устимга одеялни ях-
шилаб ёпиб, чиқиб кетди.

Ҳикоя

Ўша кўйи алла маҳалгача
ухлай олмадим. Тун билан кўз
олдимдан қулиб турувчи му-
лоийм қўзлари нари кетмасди.
Юрагимда аллақандай бир куч
галаён қиларди. Уйғум қолди.
Халатимни елкамга ташлаб,
ташқарига чиқдим. Соғин кўз
ҳавоси этимни жунжиктира
бошлади.

Юлдузлар чаманига тикилгача

нимча хаёл суриб ўтирдим. Шу
пайт кимдир елкамга оҳиста
қўлини қўйди.
— Жуда совқотиб кетибсиз-
ку Нигора. Қани ичкарига...
деди доктор, қўзларимни каф-
тига олиб.

Унинг амрига бўйсуниб, ич-
карига кирдим.
Юрагим безовта, негидир
йилламанг келди. Эрта билан
уйқудан кўз очганимда, тум-
бочка устидаги тўрт бурчак қо-
ғозда, менинг расмим турарди.
Кроватда ёнибшолар, жилмайиб
ётибман.

— Қалай ўхшайди? — де-
ди шу пайт хонага кириб кел-
ган доктор.
— Ҳа, ким чизди? — дедим
қўзларимни расмдан узмай.
— Ким чизганга ўхшайди? —
деди у қўлиб.

— Наҳотки сиз?
У худди гувоҳкор одамдек
бош йираб қўйди. Кейин рас-
ми олиб узатдида, чиқиб кет-

ди. Бир оздан кейин мен ҳам
ташқарига йўналдим. Врачлар
хонаси олдимдан ўтаётганимда
ичкаридан эшитилган овоздан
бенхитиб тўхтаб қолдим.

— Сен яхши кўриб қолган
қиз ўпка касал тўшундингми?
Ўпка касал... — ичкаридан аёл
кишининг шаниллаган овози
эшитилди.

— Елгон! — бу докторнинг
овози эди.

— Мана, ишонмасанг кечаги
рентген қоғози.

Наҳотки ўпка касал бўлсам?
Йонқолағда ташқарига оти-
дим.

Ортимдан эшакнинг тағилла-
гани, ўша таниш овозини, Ни-
гора! Нигора! деб бақирган
эшитилди. Мен ортимга қайри-
либ ҳам қарамай, зим-зим тун
қоронғилигига сингиб кетдим.
Касалхонага қайтиб келмадим.
Ихтиёрсиз айтилган бир оғиз
сўз мени ундан жудо қилди.
Қўлимда ёдгор бўлиб, шу бир-
гина расм қолди. Унда доктор
қўзларининг тағти бор. Қўзла-
рим эса унинг мулоийм қўзла-
ри билан тўқнашгандай бўлади
шунда...

Раъно ТУРДИЕВА.

Мана у онадир, бугун меҳрибон
Қўлида талпинар жажжис гўдаги.
Фарзандга боқади қўзларини
олмай
Тугамас онанинг орзу — тилаги.
Ҳа, йиллар ўтаркан, ўтаркан
ёз-қиш,
Яшил барг ўрнини оларкан
хазон,
Янги йил келганга қувона-
ди-ю,
Лек умрини ўтганини сезмайди
инсон.

Ҳафиза ШАРОФҲУЖАЕВА.

БИР СЕВГИ БОР

Бир сеvgи бор, сеvgи ки
оташ,
Ҳаётбахшир, иссиқ нафас,
Вужудимга ўрнашган жондай,
Сўмас қўшиқ унинг қиссаси.

Ишқи унинг қўймас ҳолига,
Унинг гулшан оғушидаман,
Ширин уйқум чекинар нари,
Билар кимини ошгидирман?
Бедор тунлар-қўнларим
сўйланг,

Кенг далалар, тоғлар, шўх
дарё,
Бўйларига шу ишқ етаклаб,
Келганимни бўлиб махлиб,
Бир сеvgи ки, қанот
бағишлар,

Дилерим бу кучоқлари кенг,
Хижронига заррача бардош
Бериш менга жанглар билиш
тенг!

Муҳаббат ТУРОВОВА.

КУТАР ЭДИМ

Ҳар байрамда кутардим
сени,
Кутар эдим жуда интизор.
Ҳар дақиқа кутардим сени,
Кутушлардан эдим бахтиёр.
Мамнун эдим, шод эдим гоёт,
Завқ бағишлар эди онларим,
Нола қилмас сабр ва тоқат,
Висола чоғи келар ниҳоят.
Шунда кўнгли гуллари яна
Мунг товланиб жилва
қилади.

Умидларин қилиб тағтана,
Олам шодлик қуйга тўлади.

Дилором ТОЖИЕВА.

МЕҲРИ ЧАШМАЛАР

Қўймай асло ҳолу жонимга
Қўлма, деяр мудом ошналар.
Менга азоб, лекин кўнглимдан
Ором олар дили ташналар.
Ишқ ҳақида ёниб қўйлайман
Қалбим титрар, қўзим
ёшларан.

Бевафони унутмисан бўлсан,
Нетай, дардим яна
бошларан.

Тутсам ҳамки ишқини
пишқон.
Қўйлаганда сирим очилар.
Мийли тингланг, қўйлай
сиз учун
Дугоналар, меҳри чашмалар,
Маҳбуба СУЛТОНОВА.

ГАР ТОПИН- САМ ОЛОВГА

(МАНГУЛИК ГУЛХАНИ АТРОФИДА)

Енимга кел, гар топинсам оловга,
Менинг учун бу — табаррук бир одат,
Чунки оташ, алағали кураг-ла
Авлодлар элтиган бизга саодат.

Қизинг ранги эслатар баҳордиларини,
Фидо қилиб жангда тўққан қонини.
Довуларкан, байроқ қилиб бошида —
Қўтарди мардлар шараф-шонини.

Ял-ял ёниб, итиларкан у кўкка
Чирмашган юраклар шаклини қўраман.
Гуриллар тураркан, қорак уриши —
Қалблар ҳарорати — тағтин кўра-
ман.

Қўлма дўстин, гар топинсам оловга,
Бу одатни тарк этмасман умрбод.
Чунки, унда мардоналик мўжассам,
Улуғланур Инсон деган улуг зот!

Қўтби НОСИРОВА.

ЯНГРА СОЗИМ...

М. Иброҳимов фототўди.



М Е Ҳ Р И М

Эзгу ҳаёлларим, нурли тонгларим
Дил қўрим, меҳримни тоширган дарё,
Тунлари илҳомим-марваридларим
Жўшиб тонг нуридан олади зие.
Шу меҳр тўфайли севдим Ватанин,
Шу меҳр боғлади сеvgи инсонга.
Шу меҳр ҳиссидан севдим инсонини.

Шу меҳр иллари туташган танга,
Меҳрим жилвасидан яшайди баҳор.
Юрагим қўрида она меҳри бор.
Тунларим машъали — тонгги қуёшим,
Меҳримдир, меҳримдир, шу она дилёр.

Алофат НОСИРОВА.

ГРАЖДАН МУДОФААСИНИ ЎРГАНИНГ

БУНИ ҲАР КИМ БИЛИШИ КЕРАК

ЯДРО қуроли — аниқ қучли қурол ҳисобланади. Суратда унинг портлашининг умумий манзарасини кўриб турибсиз.

Ядро қуроли портлаганда кўзга кўриниб қолган алабга кўринадиган ва момақалдиқроққа ўхшаб гўмбирлаган товуш эшитилади. Алабгадан кейин оловли шар вужудга келади, ядро қуроли ер устида портлаганда оловли ярим шар пайдо бўлади, оловли шар (ярим шар) бир неча секунддан кейин йўқолади. Оловли шар (ярим шар) ўрнида пага-пага булут қолади. Булут катталашиб, кўзкорини шаклини олади, кукулданган ва радиоактив моддалардан зарарланган тупроқни катта баландликка олиб чиқади. Радиоактив булут шамолда ядро қуролининг портлаш жойидан ўнлаб ва юзлаб километр масофага тарқалиб кетади.

Ядро қуроли портлашининг зарар етказувчи факторлари зарба тўқирини, ёруғлик нурларини, ўтиб-кириб борувчи радиация, радиоактив моддалардан зарарланиш.

Зарба тўқирини ҳароб қилувчи зўр куч билан таърифланади. Бу тўқирин ядро қуролининг портлаш жойидан ҳамма томонга жуда зўр тезлик билан тарқалади ва ўзи бораватган йўлдаги катта масофада биноларни, иншоотларни ва йўл қиладиган ва ҳимояланган кишиларга зарар етказиши.

Зарба тўқирини равшан алабга кўрингандан бир неча секунд кейин етиб олади. Ёл-вериди пага жойига кириш ёки лоқал ерга етиб олиш учун шунча вақт кифой қилади.

Равшан алабга одадга ядро қуролининг портлаш жойидан ўнлаб ва ҳатто юзлаб километр масофада кўришиб туради. Зарба тўқирини шунча масофада етиб келмаслиги ҳам мумкин, аммо ҳимояланган чораларини албатта кўриш керак.

Ёруғлик нурларини оловли шар ҳосил бўлган жойдан тарқалувчи ёруғлик нурлари оқими ҳисобланади. Бу ёруғлик нурлари кўёш нурлари сингари бир лаҳзада тарқаладигу, атиги 8 — 15 секунд, яъни оловли шар йўқомагунча таъсир этади.

Ёруғлик нурларини баданини куйдириши, қўлга зарар еткази-



Икки суткадан кейин радиация даражаси, шунингдек, озиқ-овқат ва сувнинг зарарланиш даражаси юз баравар камади. Организмга радиоактив моддалар кириши кишиларнинг фақат оз қисmini нурдан зарарлантиради. Асосий ҳафиз бунинг организмга нур тушишидир, бунинг натижасида зарарланган кишиларнинг қанча нур олганига қараб оғирлиги турли даражада бўлган нур касаллиги пайдо бўлиши мумкин.


ХИМИЯВИЙ ҚУРОЛ—бу, аввало, кишилар билан ҳайвонларга зарар етказиш оладиган, ҳавога, жойга ва ундаги ҳамма нарсага юқа оладиган заҳарловчи моддалардир.

Заҳарловчи моддалар нойга юқтириш учун томиқ суюқ ҳолида ва ҳавога юқтириш учун бут ва аэрозоль (тутун, туман) ҳолида турли модалар ёрдами билан қўлланилиши мумкин. Улар заҳарли булут ҳосил қилади, у шамолда ўнлаб километр масофага бора олади.

Заҳарланган ҳаво биноларга, подвалларга, жарлик ва ялангликка кириб, уларда узоқ туриб қоллиши мумкин.

Химиявий зарарланиш мўддати заҳарловчи моддаларнинг чидам-лигига ва об-ҳавога боғлиқ. Ҳаво температураси қанча юқори бўлса, заҳарловчи моддалар шунча тез бугланади. Қучли шамол бугини ёйиб юборади. Ёмғир эса тупроқ, ўсимликлардаги ва турли нарсалардаги заҳарловчи моддаларни ювиб туширади.

Заҳарланган ҳаводан нафас олиш, заҳарловчи моддаларнинг кўзга, баданга тушиши натижаси-



да ёки заҳарланган овқат ва сув-ни истеъмол қилганда заҳарловчи моддалар зарар еткази олади. Заҳарловчи моддалар организмга турлича таъсир этади: бир хил-лари нерв системасига (нервни палаж қилувчи), иккинчи хиллари терига (терини яра қилувчи) зарар етказиши. Учинчи хиллари умуман организмни заҳарлайди (умуман заҳарли); фақат нафас органларига зарар етказадиган (бўғиб қўювчи) турлари ҳам бор.

Противогаз, жомакор, пойфал ёки герметизация қилинган пана-хиявий қуроладан ҳимоя қила олади.

БАКТЕРИОЛОГИК ҚУРОЛ. Касаллик туғдирувчи микроблар ва улар чиқариладиган заҳарлар — токсинлар бактериялогик қуро-линг негизидир.

Бактериялогик қурол авиация, ракета ва ҳавода суюб юрчи-чи аэролатлар ёрдами билан су-юқ ёки қуруқ (порошоксимон) ре-цептуралар шаклида, шунингдек, касаллик юқтирилган ҳашаротлар ва канал тарқатиш йўли билан қўлланилиши мумкин. Рецептурал-ларда ҳам юқумли касалликлар-нинг микроблари бўлади. Бакте-риал воситалар аҳоли яшайдиган катта жойларга ва ҳалқ ҳўжалиги корхоналарига, темир йўл узел-ларига, портларга, сув манбалари-га, ҳайвонлар подасига ва катта экинзорларга юқтирилиши мум-кин.

Кишилар билан ҳайвонларга бактериялогик воситаларни ишлати-лиш пайдаидигана эмас, балки бир неча соат, кун ва ҳатто ҳафтадлар

Реклама ВА Ўқонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА (3-канал)

17.55— Эшиттиришлар програм-маси, 18.00— Телеангидиқлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — М. Горь-кий тутилган кўннинг 100 йилли-ги олдидан. Горький ва болалар, 18.30— Ҳамма нарсаси нинсон учун (Социал таъминот ҳақидаги дек-ретнинг 50 йиллигига бағишлан-ган эшиттириш), 19.50— Телеа-нгидиқлар.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА (5-канал)

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55— Эшитти-ришлар программаси, 18.00— Ки-нофильм (болалар учун), 18.20— Аюбий уй (телефильм промвара-си), 18.45— Ота-оналар универси-тети, 19.25 — Концерт.

Ўзбек тилида: 19.50 — Янги қишлоқ жамоли, 20.05 — Телеа-нгидиқлар, 20.15— Мунис оналар— сизга ташанкур (адабий-музикал

композиция), 20.45 — Наташако-ним (бадий фильм).

ЎЧИНЧИ ПРОГРАММА (9-канал)

Рус тилида: 20.00— Тунги учинш (хужжатли фильм), 20.20— Кон-церт (бадий ҳаваскорлар), 21.15— Олтин хўрозча ҳақида эртан (нат-талар учун кинофильм), 21.45— Найтарилмас баҳор (бадий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-МА ТЕАТРИДА — 8/III да Ўғирлан-ган умр, 7/III да Веронанин инки йигит.

КИНО

Аёллар ҳуқуқини — «ЧАР-КА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», НАВОЙИ НОМИ (кундуз ва кечу-рун).

Соҳибнамол «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ-ЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

8, 9, 10 марта

Совет Иттифоқининг бирин-чи жаҳон чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери Гри-горий Нован ҳамда Владимир-ров раҳбарлигидаги «Кувенок-арена» цирк коллективни ар-тистларининг

ҳайрлашува

ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

А. НАВОЙИ НОМИ АКАДЕМИК НАТТА ТЕАТРИДА

9 марта

А. Адан, Л. Делиб.

КОРСАР

ПРЕМЬЕРАСИ

(3 кўринишли балет)

Сен-Жорж ва Мазелье диб-реттоси.

Валетмейстер, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ар-тист И. Юсупов постановкаси.

Дирижер—Д. Абдурахмонова. Рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати М. Мусаев.

Премьера кеч соат 7. яри-да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

„БАЛКАНТОН“ КУЙЛАЙДИ



...Онам, онажоним, мен се-вимли дйеримизни ҳимоя қи-лиш йўлида жон беряпман. Сиздан бир илтимосим бор: менинг жасадим Болгариянинг қаҳрамон шаҳарларидан бири-да дафн этилсин. Қабрим усти-га эса ўзим туғилиб вояга етган сеvimли қишлоғимда ба-ҳор арафасида мавж уриб ўса-ётган кўм-кўк ўтдан келтириб қўйишганини илтимос қила-ман. Ҳайр онажоним...

Жанг майдонида ўлим ол-дидан қалб қони билан бити-дан солдатнинг бу сўзлари ли-ги икром этилган қўшнққа мав-зу бўлган эди. Еш икромчи, Со-чидан 1967 йилда бўлиб ўт-ган халқаро ёшлар фестивали-нинг лауреати Бисер Кирон шу «Солдат мактуби» ашуласини Тошкентда ҳам катта маҳорат билан икром этди. Томошаби-лар уни қизғин қарши олди-лар.

Шу кунлари пойтахтимиз-нинг Свердлов номли концерт

залда Болгария эстрада кў-шнқлари икромчиларининг гас-троли катта муваффақият би-лан ўтмоқда.

Пойтахтимиз томошаби-лари меҳмонларимизнинг ҳар бир қўшнқини зўр қизғини билан қарши олишяпти. Кон-цертда Болгарияда ажойиб кўшнқлари билан доғт гарат-ган машҳур артистлардан Мар-гарита Димитрова ва Бали Ивановлар қатнашмоқда.

Ансамблга «Балкантон» но-ми берилган. Бу Болгария ти-лида ёшлар рамандир.

Хельсинкида ўтказилган халқаро ёшлар фестивалининг лауреати Дмитрий Ганев ан-самблга раҳбарлик қилмоқда.

Рассом Н. Меламед кон-цертда қатнашаётган асосий артистларнинг расмини олиб қайтди. Қанда: ансамбль қат-нашчиси М. Димитрова, Б. Ки-ров ва Б. Ивановлар.

Д. ФАИЗУЛЛАХОНОВА.

Дунё ХАБАРЛАРИ

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОТАСИ

СССР ташқи ишлар министрли-гининг қўйидаги маълумотида но-таси 4 марта АҚШнинг СССРда-ги элчихонасига топширилди:

«Шу йил 29 февралга ўтар ке-часи Вашингтондаги Совет элчи-хонасига нисбатан яна жинсий хуружлар қилинганлиги муноса-бати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташқи ишлар министрлиги Совет ҳуку-матининг топширигига бйноан Америка Қўшма Штатлари ҳуку-матига қатъий норозилик билди-ради.

СССРнинг дипломатияи ваколат-хонасига қарши босқинчиларча қилинган бу янги ҳаракатлар Со-вет томонининг бир неча бор огоҳлантиришга қарамай, Америк-ана маъмурулари совет муассасал-рини ва уларда ишловчи ходимлар-ни хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни қўрмаган-лигини исбот қилади.

Америка маъмуруларининг бун-дай қатъий ҳаракати чет эл вако-латхоналарининг дахлсизлигига қарши қилинган уларнинг ўз вақ-тидаги амалга ошириш учун нормал шароитлар вужудга кел-

ГДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

БЕРЛИН, 4 март. (ТАСС). Ғарбий Германия бундестаги ўз комиссиялари ва фракция-ларининг мажлисини Ғарбий Берлинда ўтказишга қарор қилган эди, шунингдек Бонн ҳукумати ўз мажлисларини Ғарбий Берлинда ўтказишга қа-дор берган эди. Германия Де-

АРГЕНТИНАДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС, 4 март. (ТАСС). Аргентина полицияси кеча 10 кишини қамоққа олди. Улар Ла-Плата шаҳри яқини-даги Вилья-Элиса деган жойда марксизм-ленинизмни ўргатиш учун очилган тўғарада шугу-лландар эдилар. Полициячилар Карл Маркс, В. И. Ленин асар-ларини мусодара қилишди. Қа-моққа олиналлар орасида уч аёл киши бор.

ҚАВО ҚАРОҚЧИЛАРИНИНГ ВАҲШИЙЛИКЛАРИ

ХАНОН, ТАСС мухбири Б. ПЕТРОВ хабар беради: ВДР нинг аҳоли зиги яшай-диган районларини ваҳшиёна бомбардировка қилётган Америк-ана ҳаво қароқчилари яна бир ваҳшийллик қилишди. 29 фев-раль кундузи Хавойдан 7 ки-лометр шимолда жойлашган Комно коммунасига Америка авиацияси ҳужум қилди. Тинч аҳоли уйлари устига 40 га

Спортив

МЕКСИКА — СССР

СССР терма командаси футболчи-лари бўлакчак жаҳон чемпионати ўтадиган мамлакат — Мексикада ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Уларнинг Мексика терма командаси билан бўлган ўйинини 85 минг то-мошабин кўрди. Учрашув 0:0 ҳисо-биде тугади. Совет командаси соста-вида Пшеничкинов, Афонин, Ше-териев, Каплицкий, Истоини, Сабо, Аничин, Численко, Малофеев, Ас-тиани ва Есьновлар ўйнади. Совет футболчилари эртага Леон шаҳрида мамлакатнинг Халиско штати терма командаси билан иккинчи ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

РЕКОРД ТОШКЕНТДА ҚУЙИЛДИ

Совет Қуролли Кучларининг 30 йиллигига бағишланиб, Тошкентда ўтказилган енгил атлетика мусо-бикаларида бутунитиёф рекорд қўйилди. Бу рекордлар молот ири-туви Ромулдуз Кили ўрнатди. У от-ган молот 71 метр 88 сантиметрга бориб тушди. Бу аввалги Совет Итти-фоқи рекордидан 42 сантиметр юқо-ри кўрсаткичдир.

РЕШЕВСКИЙ КУРАШНИ ДАВОМ ЭТИРАДИ

АҚШнинг Лос-Анжелос шаҳрида ўтказилган уч грессмейстер матч турнирида америкалик С. Решев-ский елбиз қилди. У рақиблари Горт (Чехослования) ва Штейн (СССР) билан тенг очко (4) тўлаган бўлса ҳам жаҳон чемпионлигига даъвогар-ларнинг навбатдаги учрашувида на-ташай ҳуқуқини олди. Чунки Ре-шевский Тунисдаги зоналарро тур-нирда ноэффициентлар жадевали бў-йича устунлигига эга эди.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА РАЙОН КАСИРЛАРИ КЕРАК

Меҳнат ҳақи-ишбай асосида тўланади

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уй.

ЎЗБЕККОНЦЕРТГА БУХГАЛТЕР КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй, кадрлар бўлими.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ 7-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 39-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

Йул машиналари моторчи-лари, ҳамма классдаги трактор-чилар, йул механизмлари ре-монти бўйича слесарлар, сан-техника ва йул ишлари инже-нерлари, йул кишилари, ас-фальтчилар

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона би-лан таъминланади.

Ишчилар ишга ва ишдан бошқарма транспортда қат-найдилар.

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Ленин кўчаси, 17-уй, кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКЭНЕРГОБСИТА

электрониспекция инспек-торлари вафизация инженер ва техник электронлар, ҳисоб-лаш асбоблари ремонтчи бўйича электрослесарлар, ҳисоблаш асбобларини ўрнатиб бўйича электромонтерлар, электро-энергия ҳисоби бўйича катта контролерлар ва контролер, шунингдек ҳисоблаш асбобла-ри ремонтчи бўйича электро-слесарлар ва электроэнергия ҳисоби бўйича контролерлар касбини ўрганишни истеган кишилар

ТАКЛИФ ҚИЛНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, 1-Май кўчаси, 101-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 14-трамвайларнинг «Дизельная», 1, 3-троллейбусларнинг «Темир йўл бошқармаси» бекатлари), Телефон В-10-359.

«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электромонтер — монтажчилар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, Тракмис кўчаси, 28-уй (3, 13 трамвайларнинг, 28, 50 автобусларнинг «Степан Разин», 1, 2, 4, 20, 41, 74 автобусларнинг «Салар» тўхташ жойлари).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосар, лари — 835885, 831232, Машҳур секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — 831936, Саноят, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Киш-лок ҳўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрталари бўлими — 839050, Совет қурилиши, маънавий хизмат ва шаҳар ҳўжалиги бўлими — 838761, Катлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Ўзбонлар бўлими — 838142, Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётиники босмақониси, Тошкент шаҳри.